

Яратганга интилиш инсоннинг фитратида бор



09:44 / 24.10.2018 3270

АҚШдаги Пенсильвания университети қошидаги Маънавият ва тафаккур Маркази мутахассисларининг фикрича мия шундай тузилганки, унда Парвардигор билан «мулоқот» қобилияти бор. Инсоннинг диний туйғулари бевосита физиологик асосга эга бўлиб, унинг бош мияси тузилиши билан белгиланади. «Мия шундай тузилганки, унда Парвардигор билан «мулоқот» қобилияти бор», – дейди марказ директори доктор Эндрю Ньюберг.

Тажрибалардан бирида олимлар медитация ҳолатидаги тибет роҳибларининг миясини сканердан ўтказиб кўришди. Миянинг диққат-эътиборни бошқариб турувчи қисмларида юқори даражадаги фаоллик кузатилган, айти пайтда, миянинг орқа тепа қисмида эса фаоллик эмас, балки сустлик аниқланган. Ваҳоланки, Э.Ньюбергнинг айтишича, миянинг бу қисмидаги нейронлар тутами тананинг фазодаги жойлашувини бошқаради ва «ўз шахси билан атрофдагилар ўртасидаги тафовутни ҳис қилишга» хизмат қилади.

Шундай қилиб, медитация пайтида миянинг орқа қисмлари четдан ҳеч қандай сигнал қабул қилмайди ва нормал фаолият кўрсатишдан тўхтайтиди, бунинг натижасида инсонни абадий ҳисси чулғаб олади. Худди шундай тажриба ибодат қилаётган франциско роҳиблари устида ҳам ўтказиб кўрилди. Бу сафар ҳам сканер миянинг нутқ билан боғлиқ қисмларида фаоллик кучайганлигини, бироқ миянинг орқа қисмида фаоллик сусайганлигини кўрсатди.

Албатта, бу хулосалар Ислom ақидасидан мутлақо беҳабар кишилар томонидан чиқарилган бўлиб, уларни мутлақ ҳақиқат ёки илмий кашфиёт деб қараш тўғри бўлмайди. Бироқ, бу тажрибалар ибодат пайтида инсондаги руҳий ҳолат ўзгаргани каби физиологик ҳолат ҳам ўзгаришини кўрсатмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти